

Иқтисодий ривожланишдан — фаровон турмуш тарзи сари

➤ Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш механизмини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик беришга асос бўлади.

3 ➤

Ижтимоий шериклик: ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўлида муҳим қадам

➤ Ишчи гуруҳларида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига сиёсий партиялар ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилганлиги қўйи палатада қонун ҳужжатларини кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

2 ➤

Электрон тизим: қулай, тезкор, ишончли

➤ Депутат минбари

Ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамisha мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишилар тафаккури ва сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлган.

Шу боисдан ҳам ахборот соҳасидаги ислохотлар юксак эътибор билан изчил ва тизимли равишда ўтказилиши натижасида бугун ахборот соҳаси жамиятимиз тараққиётининг ажралмас ва ғоят муҳим қисмларидан бирига айланди.

6 ➤



Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши таъминланмоқда

«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан 2014 йил 15 апрель куни нашр қилинган «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари» янги ҳисоботида мувофиқ Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболлари кетма-кет бешинчи йил «барқарор» деб тасдиқланди.

7 ➤

➤ Мактабга эътибор — келажакка эътибор

2012 йил 10 декабрдаги Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимиз умумтаълим мактабларида чет тили фанини ўқитиш тизимини тубдан янгилаб, соҳада кенг кўламли ислохотларни бошлаб берди.

Бунинг самараси ўлароқ, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларида чет тили фанини ўқитиш йўлга қўйилди.



Мамлакатимизда чет тилини мукаммал ўзлаштиришнинг янги босқичи

Шунингдек, қарор асосида чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан қўшимча жиҳозлашни жаддаллаштириш Дастури доирасида 2457 та бошланғич синфлар таъминланган, 2016 йилга келиб бундай тўлиқ жиҳозланган хоналар сонини 17 222 тага етказиш режалаштирилган. Утган ўқув йилининг ўзига 17 мингдан зиёд синфлар ўқув адабиётлар, лугатлар, турли мультимедиа воситалари, жумладан, DVD магнитолалар, лингафон ускуналари билан таъминланди.

Айтиш жоизки, 1-синфга келиб ўқишни эндигина бошлаган болажонларимиз учун чет элда тажриба-синовдан ўтган, ота-оналар ва миллий экспертлар фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳамда миллий кадриятларимиздан келиб чиқиб тузилган “Kids’

English” дарслиги катта совға бўлди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 260-умумтаълим мактабига уюштирилган медиа

турда оммавий ахборот воситалари вакиллари соҳада олиб борилаётган янгилашлар билан батафсил танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Гувоҳи бўлганимиздек, мак-

табда бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган махсус хоналар турли замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган бўлиб, чет тилини ўзлаштириш учун барча шароитлар яратил-

ган. Ўқитувчиларнинг ёши ва руҳиятига мос, чет тилини ўргатишга мослашган қизиқarli ўйинларнинг ўтказилиши эса таҳсил олаётган болажонларнинг мавзунини ўзлаштириши ва мустақамлашига хизмат қилмоқда.

— Бугунги кунда мактабимизда таҳсил олаётган 2516 нафар ўқувчилардан 1272 нафари бошланғич синф ўқувчиларидир, — дейди 260-мактаб ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ҳилола Алимова. — Чет тилини ўрганишнинг комплекс тизими яратилгани боис мактабимизда ҳам инглиз тили чуқурлаштириб ўргатилмоқда. 1-синф ўқувчилари дарс жараёнида чарчаб қолмасликлари, дарслар марокли ва қизиқarli ўтилишини таъминлаш учун турли хил ўйинлардан фойдаланилади.

2 ➤



Халқаро автомагистраль таъмирланмоқда

➤ Ободончилик

Самарқандда халқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари таъмирлаш, шунинг баробарида замонавий талабларга жавоб берадиган мукаммал йўл инфратузилмасини барпо этишга жиддий киришилган. Мақсад автотранспорт ва пидедалар учун бирдек қулай ва хавфсиз қатнов имкониятларини таъминлаш, йўллارнинг иқтисодиётимиздаги таъсирини кучайтиришдан иборат.



3 ➤

Соғлом бола тарбиясининг муҳим омили

Нукус шаҳрида соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Адлия вазирликлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таълим муассасалари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, имом-хатиблар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

2 ➤

Келгуси сонда:

БПТ:

худудий кенгашларда долзарб мавзуда семинар-тренинглар бўлиб ўтди

Венгрия:

сайлов кимнинг кимлигини кўрсатди

Ижтимоий шериклик: ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўлида муҳим қадам

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳаларини кўриб чиқишининг барча босқичларидаги фаоллиги ёрқин намойиш бўлаётгани, муҳокамадаги ҳуқуқий ҳужжатларга партия электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва тавсиялар беришга қўл кўриши, қабул қилинаётган қонунлар сифатини оширишда фракцияларнинг роли ва масъулияти ошиб бораётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Регаментга киритилган янги нормалар талабларидан келиб чиқиб, масъул кўмига билан бир қаторда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ҳам тақдим этилган қонун лойиҳалари бўйича тузилган ишчи гуруҳлари йиғилишларида ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг қатор таклиф ва тавсияларини илгари сурмоқда.

Фракция аъзолари ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан жойларда ўтказилган учрашувлар, жамоатчилик муҳокамалари давомида олинган таклифлар кенг муҳокама қилинди.

Мазкур қонунни қабул қилиш гоёси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган бўлиб, унинг асосий мақсади фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият босқарувида уларнинг иштирокини янада кучайтиришдан иборатдир.

Қонун лойиҳасида, энг аввало, амалдаги қонун нормалари, миллий ва халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шериклик тушунчаси, унинг субъектлари, принциплари ва асосий хусусиятларига таъриф берилган.

Яъни, «ижтимоий шериклик» тушунчаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, тармок, минтакавий ва ҳудудий дастурлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, амалга оширишда давлат органларининг ННТ билан ўзаро ҳамкорлиги сифатида белгиланмоқда.

Шу билан бирга ушбу қонун социал-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларни амалга оширишда, ҳудудий масалаларни ҳал қилишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларидаги оқилона нисбатни аниқ белгилаш ҳамда ушбу муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутди. Бу эса Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий гоё ва мақсадларига мос келади.

— Жамоатчилик муҳокамалари давомида фуқаролар томонидан билдирилаётган таклифлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг 3-моддасида қонуннинг мақсад ва вазифаларини янада аниқлаштириш, асосий тушунчаларни очиқ бериш мақсадга мувофиқ, — деди фракция аъзоси Камола Хамидова. — Шу билан бирга мазкур моддада ижтимоий шериклик субъектлари сифатида белгиланаётган давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан бир қаторда «фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари» деган атамга ҳуқуқий таъриф бериш зарур. Бу албатта, қонун лойиҳасининг барчага бирдек тушунарли бўлишига, қабул қилингандан сўнг амалиётда қўлланилишини ҳам энгиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамадор давомида ишчи гуруҳи аъзолари томонидан қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий

йўналишларини, ижтимоий шериклик муносабатларининг тартибга солиниши, унинг молиявий асослари очиқ берилиши, шунингдек, лойиҳада асосий эътибор ижтимоий шериклик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қаратилиши, ННТ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги иштироки аниқлаштирилиши зарурлиги таъкидланди. Бир сўз билан айтганда, қонун ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиги шакллари ҳамда ижтимоий шерикликнинг таъсирчан механизмларини мустақамлаши шартлиги алоҳида қайд этилди.

— Қонун лойиҳасининг 22-моддасида давлат грантини ажратиш тартиблари белгиланмоқда, — деди фракция аъзоси Мавлуда Нишоновна. — Мазкур моддада келтирилаётган нормаларни амалга ошириш механизмининг янада аниқлаштириш лозим. Яъни, ушбу моддада грант танловларига тақдим этилган лойиҳаларни танлаб олиш ва гоилибарни аниқлаш Парламент комиссияси, жамоат комиссиялари томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Бизнингча, ушбу моддада танловга тақдим этилган лойиҳаларни танлаш шартлари, бу бўйича аниқ мезонлар нималардан иборат эканлигини белгиловчи нормани ҳам киритиш зарур.

Йиғилиш сўнггида ишчи гуруҳи томонидан «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари қаторида Ўзбекистон «Адолат» СДП дастуридан ўрин олган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, иш бевуқчилар масъулиятини ошириш, баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларини назарда тутувчи қатор таклиф ва тавсияларни масъул кўмига тақдим этишга келишиб олинди.

Илём САХАТОВ, «Adolat» мухбири



Мамлакатимизда чет тилини мукамал ўзлаштиришнинг янги босқичи

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Масалан, ўқитувчиларимиз дарс мобайнида ижодий ёндашиб, халқ оғзаси ижоди асосида турли эртақлар оламига саёҳатлар уюштириш, қўшиқлар айтиш, миллий ўйинларини инглиз тилида ўйнаш мезонлар нималардан иборат эканлигини белгиловчи нормани ҳам киритиш зарур.

Бундан ташқари, мактабимизнинг ўқитувчилари чет тилини янада самарали ўргатиш мақсадида ўзига хос усулни қўллашмоқда. Ҳафтанинг ҳар шанба кунлари ўқувчиларнинг ота-онаси билан суҳбат ҳамда машғулотлар ўтказиб, ўқувчилар дарсада ўрганган билим ва қўникмаларини ўй шароитида ҳам мустақамлаш борасида фикр алмашишни йўлга қўйишган.

Медиа-тур якунида Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан давлатимиз раҳбарининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида тизимда амалга оширилаётган ишлар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Қайд этилганидек, Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда узлуқсиз таълим тизими учун умумевропа талабларига (CEFR) асосланиб чет тилларидан янги давлат таълим

стандартлари ва бошланғич синфларда (1-4 синф) ҳафтасига икки соат чет тилини ўқитишни назарда тутган янги ўқув режаси ишлаб чиқилди. Ўтган ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун 537 786 нусха чет тили амалга оширилган чоп этилди. Шунингдек, жорий йилда 2014-2015 ўқув йили учун 2-синф ўқувчиларига 588 957 та ҳамда уларга дарс берадиган ўқитувчилар учун дарслик мажмуалари чоп этиш режалаштирилган. Чет тили бўйича таянч мактабларда олий таъ-

лим муассасалари, малака ошириш институтларининг таърибли чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида «Маҳорат мактаблари» фаолияти йўлга қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам Қадрлар таъсирлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, таълимга инновацион технологияларни жорий қилиш орқали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни устувор вазифа этиб белгиланган.

Матбуот анжумани сўнггида вазирликнинг масъул ҳодимлари журналистларнинг саволларига атофлича жавоб бердилар.

Феруз ЖўРАЕВ, «Adolat» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Депутатлик гуруҳларида

Ҳар қандай сиёсий партия илгари сурётган гоёни жамоатчилик орасида кенг оммалаштириш, унинг мақсад ва вазифалари моҳиятини кенг тарғиб этиш кўп жиҳатдан кўйи бўғинлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар зиммасига жуда катта масъулият оқлайди.

Шу маънода ҳам бугунги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партияларнинг ҳудудий кенгашлари фаолиятини ҳамда, депутатлик гуруҳлари ишини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Зеро, айнан парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган гоёт муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан катъий парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат экани бот-бот тилга олинмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида яратиб берилган имконият ва ваколатлар, энг аввало, сиёсий партиялар, уларнинг вилоят кенгашлари, хусусан, депутатлик гуруҳлари фаолиятини ҳам кучайтириш учун кенг йўл очиқ берди. Биргина «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини

оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Жойларда депутатлик назоратининг энг муҳим ва самарали усулларида бири бўлган назорат-таҳлил фаолияти сезиларли даражада кучаяди. Депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилаётган масалалар қамрови кенгайиб, уларда ижро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилади.

Масалан, 2013 йилда Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилоятининг маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан 20 та назорат-таҳлил фаолияти ўтказилиб, сессияларга киритилган 10 та масаланинг 6 таси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Депутатлик гу-

Депутат масъулияти



Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши раиси

руҳлари томонидан айнан ана шу даврда 10 та эшитув ўтказилиб, уларда маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир хисоботлари эшитилгани ҳам яратиб берилган ушбу ижобий имкониятларнинг натижасидир.

Шу ўринда вилоят партия кенгашининг дастурий гоёлар тарғиботи доирасида ўтказилган семинарлари, давра суҳбатлари ва тадбирлари ҳам тўхталиш мумкин. Ана шу тадбир орқали 20 минг нафардан зиёд фуқаролар қамраб олинди. Энг муҳими, улар томонидан электротар манфаатига мос таклифларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишга қаратибган қўшимча таклифлар олинди.

Бундай ўзгаришлар, шубҳасиз, сайловчи ва электротар

вакиллари эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Лекин ана шундай натижаларга қарамай, айрим туманларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий дастурлар ижросини бажариш юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда сусткашликларга ҳам йўл қўйилаётганидан кўз юммаслик керак.

Хусусан, маҳаллий Кенгаш сессияларига олиб чиқилаётган масалаларни таҳлил этсак, уларда партия электорати манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга қонун доирасида амалий кўмак беришдан кўра кўпроқ экология, агро-роф-муҳит муҳофазаси, жойларда коммунал хизмат сифати билан боғлиқ масалалар қамраб олинаётганини кўриш мумкин.

Мисол учун, Улуғнор ва Бўз туманларидаги сайлов округларидан сайланган депутатларимиз халқ вакили сифатида ўз ҳудудидаги ички йўллارни таъмирлаш ишлари, айрим маҳаллаларда ичимлик суви билан боғлиқ масала юзасидан назорат олиб борилганини маълум қилади.

Ҳўш, бундай мисоллардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Энг аввало, бу маҳаллий Кенгаш депутатлари билан сайловчи ўртасидаги муносабат охир-оқибат муайян бир масалалар ечимига олиб келаётганини кўрсатади. Бир қарашда депутатлар рисоладагидек фаолият олиб бораётгандек. Аммо масалага чуқурроқ ёндашсак, айрим депутатлар маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ташкилотлари

ишини тақорлаётганини аниқламаймиз?

Зеро, сиёсий партиялар, уларнинг жойлардаги вакиллари, айниқса, депутатлар фаолиятдан кўзда тутилган мақсад муайян ҳудуд, ҳатто мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиш эмасми?! Ана шундай масалалар кенгашлар ва улар қошидаги депутатлик гуруҳларининг доимий диққат марказида турса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада сўз кетганда, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таҳлил этиш, назорат қилиш, лозим бўлса, йўл қўйилаётган камчиликларга муносабат билдириш ушбу тизимлар зиммасидаги бирламчи вазифа экани маълум бўлади.

Бу эса яратиб берилган имкониятлардан ҳалигача етарли фойдаланмаётганимизни кўрсатади, холос. Жумладан, депутатлик гуруҳларининг депутатлик назорати ва сўрови институтидан фойдаланиши ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Демак, ҳудуд учун долзарб масалаларни сессиялар кун тартибига киритиш, ижро ҳокимияти органлари мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитишда депутатлардан янада дадиллик талаб этилапти.

Шу ўринда кўйи тузилмалар айрим ҳолларда партия Марказий аппарати ёки фракциясининг ташаббуслари ижрочи-

сига айланиб қолаётганини ҳам айтиш мумкин.

Шунинг учун ҳам Андижон вилоят партия кенгашининг кенгайтирилган мажлисида барча партиявий тузилмалар фаолияти танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Бугун кўпроқ маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари танқиддан тегишли хулосалар чиқаришлари керак. Чунки буни тезкор давр, сайловчи талаби тақозо этаётганини асло унутмаслигимиз лозим.

Зеро, ҳар қандай сиёсий куч сайловдан сайловгача бўлган масъулиятли жараёнда сайловчи ишончлини мустақамлаш, ўз мақсад ва вазифаларни ижросини таъминлаш учун бор имкониятлардан фойдаланишга интилади. Бу эса келгуси сайловлар муваффақиятига мустақам замин яратяди.

Ҳудудлардаги сайловчилар ишончи эса оқорида таъкидланганидек, энг аввало, маҳаллий Кенгашлар, партия фаоллари, депутатлар ва, албатта, бошланғич ташкилотлар иши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳудудлардаги электротарнинг ҳаётий муаммоларини ўрганиш ва уларни юқори партия ташкилотларига етказиш ҳам кенгашлар олдидаги асосий вазифа саналади. Агар улар «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш тутсалар, депутатликни масъулият сифатида ҳис этмасалар бундан нафақат сиёсий партия, балки унга ишонч билдирган сайловчилар ҳам ютқазадилар.

Соғлом бола тарбиясининг муҳим омили

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича кўмига раиси О.Ю.Суллов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентининг раҳномалигида ёшларни энг гоёлар атофлича бирлаштириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Қорақалпоғистон Республикасида истикомат қилаётган турли миллат вакиллари ўзига хос маданияти, дини, урф-одат ва анъаналарини асраш, ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

— Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳити Президентимиз раҳномалигида амалга оширилаётган оқилона сиёсатнинг амалий самараларидир, — дейди туркман миллий маданият маркази раиси М.Тағонмуратов.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ, ўзбек, рус, туркман ва қозоқ тилларида таълим берилмоқда. Тўрт тилда 38 номдаги газета ва 9 номдаги журнал чоп этилаётган, уч тилда радио ва теледастурлар эфирга узатишмоқда.

Тадбирда «Еш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш — долзарб масала», «Соғлом бола, соғлом оила — соғлом жамият», «Ешларни миллий-маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш — соғлом бола тарбиясининг муҳим омили», «Маҳалла — кўп миллатли ахил оила» мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев сўзга чиқди.

А.Ортиқбоев, ЎзА мухбири

Ҳудудий партия ташкилотларида

Аъзолари ташаббускор,

➤ БПТ — партия таянчи

Фузур туманида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 550 нафарга яқин аъзолари 14 та бошланғич ташкилотга уюшиб фаолият олиб бормоқда. Асосий таянч ҳисобланган БПТлар партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишда катта ҳисса қўшишмоқда.

мақсадлари улғувор қўйи бўғин



«Хисоролди нефтга қидирув экспедицияси» шўъба корхонаси бошланғич партия ташкилоти 2012 йилда олти нафар аъзо билан ўз фаолиятини бошлаган эди. Айни кунларда эса БПТ аъзолари сони 70 нафардан ошиб кетди. Энг муҳими, уларнинг барчаси ўз ишига масъулият билан ёндашадиган, мамлакатимиздаги демократик ислохотлар ва сиёсий янгиланиш жараёнининг моҳиятини чуқур тушуниб етган ва бу жараёнларда ўзини дахлдор деб биладиган, ҳозиржавоб, ташаббускор кишилардир. Улар касб-корларига кўра муҳандис-техниклар, ишчи ва тадбиркор партиядошларимиздир.



Корхонадаги БПТ етакчиси Фулом Ражабов ташаббуси билан партиядошлар ўртасида сиёсий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилиб, бу жараёнда партиянинг дастурий ғоялари тарғиботида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса аъзолар сафининг янада кенгайишига замин яратмоқда.

БПТ фаоллари айниқса, касб-хунар коллежларини та-

момлаб, ишга қабул қилинган ёшларга устоз-шогирд аънаси асосида касб сирларини ўргатиш баробарида, уларга партиянинг мақсад-вазифаларини тушунтиришга, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга доимий эътибор қаратиб келишмоқда.

Аъзоларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий янгиланишдан хабардор қилиб бориш мақсадида ҳар ҳафтада бир марта йиғилиш ўтказиш аънаънага айланган, — дейди БПТ раиси Фулом Ражабов. — Кундан-кунга Олий Маж-

лис Сенатининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган навбатдаги ялпи мажлисида қўрилган масалалар ҳамда қабул қилинган қонунлар моҳияти юзасидан сиёсий ўқиш ташкил этдики, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи аъзолари иштирокчида ташкил этилган тадбирда БПТ фаолларига Конституциявий янгиланишларнинг мазмун-моҳияти — мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, биринчи навбатда, давлат бошқарувининг энг муҳим тамойилларидан бўлмиш давлат ҳокимиятининг қонун чикаруви, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принциплари конституциявий таъминлашдан иборат эканлиги хусусида тушунчалар берилди.

Дарвоқе, БПТ фаолларининг бевосита ташаббуси билан тумандаги «Наврўз», «Меҳнат-обод» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва Коммунал хўжалик касб-хунар коллежи, чет тилларга ихтисослашган мактабларда «Соғлом бола йили» муносабати билан «Оилада тиб-

бий маданиятни оширишда аёлнинг ўтган ўрни», «Соғлом оилани шакллантириш — асосий вазифамиз», «Эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этишда ёшларнинг ўрни», «Соғлом бола — миллат келажиги» каби мавзуларда ташкил этилган учрашув, давра суҳбатлари самарали бўлди. Уларда партиядан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари, тижорат банклари, бандликка кўмаклашувчи марказ, тиббиёт ходимлари, «Камолот» ЁИХ вакилларининг иштироки таъминлангани туфайли тадбир қатнашчилари ўзларини қизқирган кўпдан-кўп саволларига жавоб олишди. БПТ фаолларининг сайё-ҳаракати билан жорий йилнинг биринчи чораларида «Меҳнатобод» ҚФЙ ва «Наврўз» МФЙ ҳудудда истиқомат қилаётган 50 нафар хотин-қизлар касаначилик ишларига жалб этилган бўлса, касб-хунар коллежларини тамомлаган 20 нафар ёш йигит-қизлар тумандаги саноат, қурилыш корхоналариغا, 10 нафар фуқаролар эса хусусий бизнес ва тадбиркорлик билан шуғул-

ланувчи кичик корхона ва ишлаб чиқариш фирмаларига ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур БПТ аъзолари ўз ваколатлари доирасида яна бир қанча хайрли ишларга бошқош бўлишмоқда. Биз эса уларнинг айримлари хусусида фикр юритдик, холос. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, қарийб 80 нафар хайрихоҳларга эга бўлган қўйи бўғин фаоллари ўзларини янада салмоқли вазифаларни ҳал этишга қодир, деб ҳисоблайди. Негаки, Фузурда ана шундай бошланғич ташкилот аъзолари каби курашчан партиянинг амалий ишларини кўриб, ҳис қилиб турган ва уни қўллаб-қувватлашга тайёр маслақдошлар кўп. Уларнинг халқимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишлари эса, бошқалар учун ҳам ибратлидир.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

Соғлом бола

СОҒЛОМ ЖАМИЯТДА КАМОЛ ТОПАДИ

Бола мисоли ниҳол. У боғбон томонидан қанчалик яхши парваришланса, шунчалик гуллаб-яшнайд. Шубҳасиз, боланинг ҳар томонлама соғлом ривожланишида оиланинг, ундаги муҳитнинг аҳамияти катта. Айни пайтда соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишда таълим ва тарбиянинг бошланғич тизими — мактабгача таълим муассасаларининг ўрни ҳам беқиёс.

Юртимизда мактабгача таълим муассасаларида бола-ларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳаёти, соғлиги ва жисмоний ривожланишига хизмат қилувчи даволаш-профилактика тадбирларининг ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя қилиниши катъий белгиланган бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Хусусан, мактабгача таълим муассасаларини тубдан ислох қилиш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги мақсадли реформа тўғрисида» 2007 йил 25 октябрдаги «Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, «Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида» ва «Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида»ги низомлар қабул қилинган, шу билан бирга, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ва

жисмоний ривожланишини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Мазкур санаторий типидagi (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун) давлат мактабгача таълим муассасасида гепатит касаллиги билан оғриган болалар даволашдан кейинги тикланиш даврида, яъни қарийб олти ой давомида соғломлаштирилади. Айримлари эса мактабга чиқишга қадар шу муассасада тарбияланади.

— Маълумки, ҳар қандай касалликни бошдан кечирган инсоннинг тикланишида, соғломлаштиришда тўғри ва ўз вақтида овқатланиш, шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига катъий риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди муассаса раҳбари Минававра Аскаророва. — Шу боис муассасамизда тарбияланувчиларимиз беш маҳал овқатланиши, шифобахш ўсимликлардан дамланган фиточойлардан баҳраманд бўлиши, озода ва шинам хоналарда вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг нафақат жисмоний ривожланиши, балки маънавий-руҳий чиниқишига ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, инглиз тилининг бошланғич сабоқлари бўладики, уларнинг моторикаси, қобилиятларини ривожлантирадиган мантқиқий ўйинлардан иборат машғулотлар бўладими, буларнинг барчаси илгор педагогик технологиялар асосида олиб борилиши, яъни замонавий ахборот технологияси, компьютер қурилмаси ёрдамида ўтказилиши уларнинг қизиқариш ва машғулотларнинг самарадорлиги орттиришга сабаб бўлмоқда. Қолаверса, муассасада болаларнинг диққати,



хотира ва тафаккурини ўстиришга, уларнинг ақлий ҳамда ахлоқий жиҳатдан ўсишларига ёрдам берувчи эртақлар, мультфильмларни намойиш қилиш одат тусига айланган. Бундай намойишлардан сўнг болаларнинг фикр-мулоҳазалари тингочилардан баҳраманд бўлиши, озода ва шинам хоналарда вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг нафақат жисмоний ривожланиши, балки маънавий-руҳий чиниқишига ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия ишининг тўғри юритилиши натижасида шаҳар ҳамда вилоят миқёсида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Хусусан, жорий йилда муассаса Марғилон шаҳрида ўтказилган «Севимли ўйингоҳим» кўрик-танловидида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, иқтидорли тарбиячи Дилшода Абдуллаева «Йил тарбиячиси» кўрик-танловидида қатнашиб, шаҳар бўйича фахрли 1-ўринни, вилоят босқичида 2-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Мазкур БПТ ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари ташаббуси билан яқин кунларда муассаса миқёсида илк бора ота-

оналарнинг фарзандларига бўлган эътиборини, масъулиятини ошириш мақсадида «Энг эътиборли ота-она» кўрик-танлови ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, партияга аъзо бўлган фаол тиббиёт ходимлари жалб қилинган ҳолда оилада соғлом муҳитни шакллантиришни тарғиб қилишга қаратилган «Спорт — саломатлик гарови», «Тўғри овқатланиш — юксак маданият белгиси», «Соғлом бола соғлом оилада камол топади», «Соғлом бола — соғлом ва аҳил оила маҳсули» сингари мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоиз, оналар ва болалар саломатлиги йўлида бугун олиб борилаётган сайё-ҳаракатлар эртанги кун йўлида қилинаётган гамҳўрликдир. Зеро, бугунги ҳар бир соғлом фарзанд эртанги фаровон турмушининг яратувчиси. Буни ҳар лаҳза ёдда тутишимиз шарт.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

«Ёш адолатчилар» қаноти

Вилоятимизда партия аъзоларининг 4235 нафарини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партияга қабул қилинганлар орасида 30 ёшгача бўлган ёшлар 70 фоизни эгаллаши ҳам партия вилоят кенгаши ишининг самарадорлигига эришишда асосий урғу айнан шу қатламга қаратилиши кераклигини аниқлатади. Зеро, улар мустақиллик йилларида ўз қатъий ҳаётий позицияларига эга шахс сифатида шаклланган ёшлардир.

Олма пиш, оғзимга туш

деб ўтирган билан ўзгариш бўлмайди

Бу эса вилоят кенгаши «Ёш адолатчилар» қанотида ёшлар дунёқараши янада кенгайтириш, ўз мустақил фикрига эга бўлиш, ҳаётий тажриба ва мустақам билим эгаллашида янада фаолроқ ҳамда янги ташаббусларни кўтариб чиқиш масъулиятини оқлайди. Шунинининг олган ҳолда, вилоят партия кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти ёшлар сиёсатининг буғунги ҳолати ва истиқболлари, мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустақам эътиқоғга эга бўлган ёш авлоднинг тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллекту-

Бироқ, «Ёш адолатчилар» қаноти фаолияти камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, ёшларга оид сиёсатни амалга оширишда қанот фаоллари ўзларининг муқобил дастурлари, амалий тақлифлари ва ташаббуслари билан етарлича фаол иштирок этаётгани йўқ. Вилоятнинг Янгиариқ, Шовот, Хива, Қўшқўпир туманлари «Ёш адолатчилар» қаноти иш услуби талабга жавоб бермайди.

Ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлиги кам. Бугунги кун талабидан келиб чиқадиган бўлса, замонавий билимларга, ўз мустақам фикрига, кенг дунёқарашига эга, ҳаётда яқин мақсадни қўзлаган, юртимизда олиб бори-



ал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, мамлакатни демократик янгилан жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, баркамол авлоднинг тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишни қўзлаган.

Шу нуктага назардан вилоят «Ёш адолатчилар» қаноти фаол ёшлар ўртасида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлини-маси, «Камолот» ЁИХнинг жойлардаги кенгашлари ҳамда Урганч давлат университети билан ҳамкорликда «Биз — гиёҳвандликка қаршимиз», «Эрта никоҳликка қаршимиз», «Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш», «Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишнинг муҳим масалалари», «Партия ёшларининг етакчилиги маҳоратини шакллантириш», «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» каби турли мавзуларда конференциялар, семинар-тренинглари, учрашув ва мулоқотлар, тадбирлар ўтказиб келинмоқда. «Ёш адолатчилар» томонидан уюштирилаётган бундай тадбирлар ёшларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, «Обод турмуш йили»да «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан жами 40 дан ортиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий мавзуга оид тадбирлар ўтказилиб, уларда 6 минг нафардан кўпроқ ёшлар иштирок этгани ҳам фаоллик ошганидан далолат беради. Ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда эса ўнлаб ёшларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар, кам таъминланган оила фарзандларига стипендиялар берилишига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Бердақ номидаги Нукус давлат педагогика институти 2- босқич талабаси Махлиё Бекжоновага «Адолат» СДП вилоят кенгаши томонидан махсус стипендия ажратилди. Шунингдек, кенгаш ташаббуси билан Урганч йўл-транспорт касб-хунар коллежи тибтирвчиси Мансур Болтаев ва Урганч давлат университети 1- босқич талабаси Гулнора Жумановага «Агробанк» ОАТБ Урганч шаҳри филиали томонидан имтиёзли кредит ажратилишига эришилди.

Тан олиб айтиш керакки, партия вилоят кенгашида ўтган давр мобайнида қилинган ишлар мақтагулик эмас, — дейди вилоят кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Розияжон Отажонова. — Аниқланган хато ва камчиликлардан ҳар бир туман кесими бўйича фаол, ташаббускор, партия дастурий мақсад ва ғояларига собитлик билан ёндашадиган жонқуяр ёш аъзоларни жалб қилиш лозимлиги маълум бўлди. Бироқ, олма пиш оғзимга туш деган билан вилоят кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаолияти кучайиб қолмайди. Қўл қовуштириб ўтирмасдан, ёшларнинг қизиқиши ҳамда бугунги кун талаби, шароитидан келиб чиқиб, ишга масъулият билан ёндашас ҳамда қўйилган тартиб, то юқори бўғинларнинг барчаси билан узвий ҳамкорликни ўрнатиб, олдимизга аниқ мақсадларни қўйсақина камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилган бўламиз.

Бугун партия ташкилотлари томонидан ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш ишларини такомиллаштириш долзарб масалалардан саналади. Партия ёшлари билан ўтказилаётган сиёсий ўқишлар салмоғи ва савияси кескин оширилиши бугунги кун талабидир. Шунинг учун тарқибимизни фаол ва ташаббускор ёшлар ҳисобига янгилан, уларнинг сиёсий билимларини ошириш борасида тизимли ўқув ишларини ташкил этиш, фаол ёшларни партия кадрлари захирасига тайёрлаш бўйича чораларни қўллаш йўналишида ишларни кучайтиришимиз даркор.

Иқболло НИШОНБОЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти кенгаши
матбуот котиби

Соғлом миллат — барқарор тараққиёт журналистик материалларда акс этмоқда

Конференция

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари мавзусида республика конференцияси ўтказилди.



Конференцияда оммавий ахборот воситаларида "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг тезкор, сифатли ва ҳар томонлама ёритилишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, журналистларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан самарали ҳамкорлигини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари амалга оширилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб маҳоратини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Анжуманда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотихорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар сўзга чиқди.

Тадбирда "Соғлом бола йили" Давлат дастурига мувофиқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қулай муҳит яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгилаб берилгани алоҳида қайд этилди.

Аҳолини ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ҳақида атрафли хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари олдида "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш жараёнини кенг ёритиш вазифаси қўйилган. Бу борада журналистларнинг етарли малака ва маҳоратга эга бўлиши, уларда аниқ ижтимоий позиция, юксак маъсулият ҳиссини шакллантириш, журналистларни ихтисослаштириш катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг вазирликлар, идоралар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан яқин ҳамкорлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

Сўранг, жавоб берамиз!

Турмуш ўртоғим билан ажралиш арафасидаимиз. Собиқ эрим икки нафар фарзандимизга алимент тўлаш нияти йўқлигини билдирди. Илтимос, эр-хотин никоҳдан ажратилгандан сўнг, болаларга алимент ундириш тартиби ва алимент миқдори ҳақида маълумот берсангиз.

Гулноза Мамағалиева, Тошкент вилояти.

Никоҳдан суд тартибда ажратилаётганда, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва undan ортиқ бола учун — ярмиси миқдоридан ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан қамайтирилиши ёки қўпайтирилиши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўлашни лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгилиниши мумкин.

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, undan қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминлиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан қамайтирилиши мумкин.

Давронбек РАВШАНБЕКОВ, Тошкент вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Одамфурушлар исканжаси

Бугунги кунда одам савдоси дунё халқларини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан биридир. Зеро, у ҳудуд ва чегара танламайди. БМТ маълумотида кўра, ҳар йили дунё бўйича тахминан 20 миллиондан кўпроқ киши одам савдоси жабрланувчисига айланмоқда.



Энг ачинарлиси шуки, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади. Бу жиноятнинг кескинлашуви эса жабрланувчиларнинг тезда бойиб кетишига интилиши, ишонувчанлиги ва етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги асосий сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш ва undan жабрланган фуқароларга комплекс хизматлар кўрсатиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

2013 йилда одам савдоси муаммосига аҳолининг муносабатини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўров натижасида респондентларнинг аксарият қисми (97,8 фоиз) Ўзбекистон миллий телевидениеси орқали одам савдоси жинояти муаммоси ва унинг оқибатларидан хабардор эканлигини маълум қилган.

Аммо, бугунги кунда одам савдоси жабрланувчисига айланган фуқароларимизнинг атиги 5 фоизинга хорижда иш қидиришда аҳолини иш билан таъминловчи расмий меҳнат биржаларига мурожаат қилган. Ноқонуний меҳнат биржалари (мардикор бозор), дўст-биродарлари ва танишлари, шунингдек, тасодифий танишган одамлари орқали четга чиқиб кетганлар қўпчилиги ташкил этади. Бу эса фуқароларимизнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган бандликка кўмаклашувчи органлар фаолияти тўғрисида хабардорлигининг паст даражада эканлигидан далолат беради.

Нажиматдин ТАЙРОВ, Жиноят ишлар бўйича Беруний тумани суди раиси

Электрон тизим: қулай, тезкор, ишончли

Давоми. Бошқ. 1-бети

Ўтган давр мобайнида Президентимизнинг соҳа ривожига оид бир қатор фармон ва қарорлари, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, жамиятни ахборотлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон банк тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тартибга солуви "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Электрон хужжат айланиши тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги ва "Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ўтказилган ислохотларда ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

бир оилага ўртача учта уяли телефон тўғри келаётгани соҳанинг жадаллик билан тараққий этаётганидан, аҳолининг нафақат турмуш даражаси ошиб, аввало, ҳаётимиз сифати тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Ижтимоий ҳаётга ахборот технологияларининг жадаллик билан кириб келиши туфайли иш юритиш маданиятининг электрон кўриниши шаклланиб, масофа қисқармоқда, вақт тежалмоқда, ишимизда иқтисодий самара ошмоқда. Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари асосида янги турдаги банк хизматларини кўрсатиш, электрон тижорат, электрон тўловлар тизими ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш учун кенг шарт-шароитлар юзага келди.

Электрон тўлов ва тижорат тизими ўз афзалликлари билан ажралиб туради. Айтилик, дунёда банк пластик карточкалари орқали нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланилиши нақд пулга бўлган талабни қамайтиради, улар айланшини тезлаштиради, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради. Унинг ёрдамида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операциялари тезкор бажарилади, бюуртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик сифатли амалга оширилади. Қолаверса, тадбиркорларимиз замонавий ахборот технологиялари орқали нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланилиши нақд пулга бўлган талабни қамайтиради, улар айланшини тезлаштиради, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради. Унинг ёрдамида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операциялари тезкор бажарилади, бюуртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик сифатли амалга оширилади. Қолаверса, тадбиркорларимиз замонавий ахборот технологиялари орқали нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади.



Рано ГАЙМОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Шу билан бир қаторда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш амалиётининг жорий этилиши нақд пулнинг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга, нақд пул эмиссиясини қамайтиришга ва аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини иқтисодиётга жалб этишга имкон бермоқда.

"Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳукумат қарорининг қабул қилиниши банк миқдорларига масофадан туриб хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг ҳам кўзда тутди. Айни тизимини янги босқичга кўтарди. Бугунги кунга келиб тўловлар бир неча сонияларда амалга ошаётгани, тизим орқали бир кунда бир неча миллиард сўм миқдорда 35-40 мингга яқин тўлов ҳужжатлари ўтаётгани фуқароларнинг, энг аввало, тадбиркорларнинг ишини енгиллаштиришга хизмат қилаётгани қувонarliдир.

"Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам мазкур соҳанинг миллий иқтисодиётда муносиб ўрин эгаллашига сабаб бўлди. Натижада мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари юқори даражада рақамлаштирилди, интернетга улашиш тезлиги муттасил равишда ўсиб борди ва улардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратилди. Зеро, хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, электрон тижоратнинг ривожланишига интернетдан фойдаланувчилар сони аҳолининг камидан 20-25 фоизини ташкил этгандагина эришиш мумкин.

Эттибор берайлик, электрон харидни амалга ошириш Давлат бюджети харажатларини 20-40 фоизга, тадбиркорлик субъектлари учун эса ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини 5-10 фоизга қамайтириш имконини беради. Тежалган молиявий ресурслардан эса ишлаб чиқаришни кенг қўламли тараққий топтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида фойдаланиш имкони пайдо бўлади.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да Президентимиз томонидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор тақлифлар илгари сурилган эди. Бугунги кунда концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, "Электрон ҳукумат тўғрисида"

Айтилик, дунёда банк пластик карточкалари орқали нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланилиши нақд пулга бўлган талабни қамайтиради, улар айланшини тезлаштиради, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради. Унинг ёрдамида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операциялари тезкор бажарилади, бюуртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик сифатли амалга оширилади. Қолаверса, тадбиркорларимиз замонавий ахборот технологиялари орқали нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши таъминланмоқда

«Moody's» агентлигининг фикрига кўра, «барқарор» прогнози Ўзбекистон иқтисодиётининг, шу жумладан, иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестициялар йўналтирилиши ҳисобига, юқори суръатларда ўсаятганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг ўсишини таъминловчи манба ҳисобланган Ўзбекистон банкларининг барқарор даромадлари банк тизими ривожланиши истиқболларига ижобий таъсир кўлувчи муҳим омиллар қаторига киритилмоқда.

Агентлик томонидан Ўзбекистонда охириги 10 йил мобайнида юқори иқтисодий ўсиш даражаси таъминланганлиги ҳамда мамлакатимиз экспорт таркибининг МДХдаги бошқа давлатларга нисбатан диверсификацияланганлиги ҳисобига иқтисодий ўсиш суръатлари ўзгарувчанлигининг сезиларли даражада паст бўлгани таъкидланмоқда.

Шу билан бирга, «Moody's» агентлиги Ўзбекистон банклари активлари сифатининг барқарор динамикасига эътибор қаратиб, капитал инвестициялар соҳасидаги ижобий ҳолат активлар сифатининг юқори даражада сақланиб қолишига асос бўлишини қайд этди.

2013 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари умумий миқдори 30 фоиз, охириги беш йилда эса ушбу кўрсаткич 3,6 баробар кўпайган.

Банк тизими капиталлашувини ошириш бўйича амалга оширилган мақсадли чора-тадбирлар банклар жами капиталининг охириги беш йилда 3,5 баробар, 2013 йил давомида эса 25,1 фоиз ошишини таъминлади. Банк тизими капитали етарлилик даражасининг ушбу кўрсаткичи умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқоридир.

Рейтинг агентлигининг фикрига кўра, 2014-2015 йиллар давомида кредитлаш ҳажмининг йилгига 20 фоизга ошиши шартитида капитал етарлигининг жорий коэффициенти сақлаб қолиш учун «Moody's» рейтингига эга бўлган Ўзбекистон банклари келгусида капитални қўшимча ошириш бўйича чора-тадбирлар қўришлари лозим.

Исроил: ДНК толаларидан нанороботлар яратилди

Исроиллик бир гуруҳ олимлар ДНК толаларидан яратилган нанороботлар тирик суварак ичида бемалол фаолият кўрсатишни намоиш этдилар. Нанороботлар турли молекулалар билан биргаликда тананинг узви сифатида ишлаган.

Авалроқ олиб борилган тадқиқотлар ДНК толаларини дастурлаш ва улардан содда математик амалларни бажара оладиган оддий компьютер ҳалқаларини тайёрлаш мумкинлигини кўрсатди. Толаларнинг турли оксиллардан таъсирланишидек табиий салохияти туфайли дастурлаш амалиётини яратиш имконияти туғилганди. Исроиллик олимлар эса мазкур дастурни бевосита тирик тана ичига киритишга муваффақ бўлдилар.

Оқсиллар билан муносабатга кириша оладиган бир неча нанотаркибларнинг қўшилиши эса нанороботлар сонини кўпайтириш имкониятини яратди. Гап аслида тана ичидаги нанороботларнинг кенг имкониятлари ҳақида кетмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, мазкур биотизим оддий электроника қурилмалари билан масофадан алоқа ўрната олади.

Олинган натижалар келажакда бу инновацион технология кенг қўламада амалиётга жорий этилишини кўрсатмоқда. Мисол учун, нанороботлар саратон хасталиги ҳужайраларини аниқлаши ва йўқ қилиши мумкин. Шунингдек, танани заҳарланишдан ҳимоя қилган ҳолда айнан оғули ҳужайраларни зарарсизлан-тира олиш ҳам нанороботлар зиммасига тушади.

Гарчанд тажриба муваффақияли яқунланган бўлса-да, олимлар одамларда янги технология тажрибаси яқин беш йил ичида ўтказилишини тахмин қилишмоқда.

Россия жарроҳлари дунёда биринчи бўлиб робот-жарроҳ кўмағида пластик операцияни амалга оширишди. Бунга қадар темир-тан-шифокорлар асосан кардиология, урология ва гинекологияда қўлланилиб келинган.

Тўрт қўлли da Vinci қурилмаси кўп соатлик мураккаб операцияларни максимал даражадаги стерил шароитда ўтказа олади. Жарроҳ роботни масофадан жойстиклар ёрдамида бошқариб туради, камера эса операция қилинаётган аъзони 3D шаклда ва кўп марта катталаштириб кўрсатади.

Мамлакатда бугунги кунда бундай табиий роботлардан йигирмага яқини ишлатилмоқда, дунё бўйича эса уларнинг сони бир неча юздан ошади.

Шунга қарамадан, яқин-яқингача бундай роботлардан пластик операцияларда фойдаланиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб келинган. Гап шундаки, қурилмага жарроҳ ҳаракатини амалга оширадиган махсус ускуналарга тўғри келади. Бундай ускуналар эса фақат кардиолог, гинеколог ва урологлар учун яратилганди. Ниҳоят москвалик жарроҳлар айнан пластик жарроҳлик амалиёти учун ишлатиладиган махсус ускуналар жамланмасини тайёрлашга муваффақ бўлишди.

Юзни ёшартиришга қаратилган пластик операция Москва шаҳридаги 31-шифохонада икки ярим соат давом этди ва муваффақиятли яқунланди. Маълумотларга қараганда, ўзини жуда яхши ҳис қилаётган мижозга эртаси кунёқ жавоб берилган.

Жанубий Корея: тамаки компаниялари харажатларни кўтарсин

Жанубий Корея саломатликни суғурта қилиш миллий Маркази (NHIS) душанба куни учта тамаки компаниясини судга берди. Марказ улардан айнан тамаки чекиш билан боғлиқ хасталикларни даволаш учун сарфланадиган 51,9 млн. долларни тўлашни талаб қилмоқда.

Эътиборли томони, жавобгарлар дунёга машҳур тамаки гигантларидур: Philip Morris, British American Tobacco (BAT) ҳамда маҳаллий тамаки ишлаб чиқариш компанияси KT&G.

— Марказимиз аҳолининг соғлиги учун жавобгар ҳамда суғурта тўловлари тўланиши устидан назорат ўрнатади, шу сабабли биз бундай даъво аризаси билан мурожаат этишга ҳақлимиз, — дейди Марказ адвокати.

Даъвода кўрсатилган маблағ миқдори осмондан олиб ёзилмаган, албатта. Бу давлат суғурта муассасалари томонидан чекиш билан боғлиқ уч кўринишдаги саратон хасталикларига учраган мижозларга тўланган пуллар жамланмасидир. Марказ вакилининг таъкидлашича, чекиш билан боғлиқ хасталикларни даволаш учун Жанубий Кореяда йилгига 1,6 млрд. доллар сарфланади.

Тўғри, шу кунгача мамлакатда хусусий шахслар томонидан тамаки компаниялари тўрт марта судга берилган. Аммо уларнинг биронтасида ҳам даъвогар фуқаро ғолиб чиқолмаган.

Бугунгачаон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга қараганда, бу Тинч океанининг гарбий қисмида давлат ташкилоти томонидан тамаки компаниясининг биринчи марта судга берилиши.

Интернет хабарлари асосида **Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

Qishloq Qurilish Bank ишончли, барқарор ва мустаҳкам

Молия муассасаларида
Юртимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг унга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлланган ҳолда, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.


Зеро, банклар, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётни озиклантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади. Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам молиявий-иқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг маъсулиятли фаолияти туфайли молия-банк тизими иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғига айланди. Жаҳон миқёсида юз берган иқтисодий инқироз оқибатлари сақланиб турган ҳозирги мураккаб бир шароитда юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани бунинг яққол далилидир. Эришилётган ушбу натижалар банк омонатчилари ва чет эл инвесторларининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончи ва қизиқишини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозорларида банкларнинг ўз ўрнини эгаллаши учун зарурий шарт-шароит яратилишини таъминлади. Банк тизими Ўзбекистонда барқарор ва кафолатланганлигини халқаро рейтинг агентликлари ҳам эътироф этмоқда. Бир сўз билан айтганда, тижорат банкларимиз замонавий хизматлари билан мижозлари ва ҳамкорларининг ишончини тўла оқлаб, иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, барқарор ва кафолатланган фаолият кўламини мунтазам кенгайтириш пайида бўлмоқда.

Бу жараёнда юртимизда хар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари — «BankExpo» миллий кўргазмасининг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиз молия-банк тизимининг ютуқларини ўзида мужассам этган мазкур кўргазмада банк тизими мутахассислари ҳамда аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртаси-да самарали мулоқотлар уюштириш аниқ мудоадири. Жорий йилнинг 9-10 апрель кунлари пойтахтимизнинг «Кўргазма савдо» мажмуасида бўлиб ўтган «BankExpo — 2014» еттинчи аънавий миллий кўргазмасида 17 мингдан зиёд аҳоли, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этгани — бу тадбирнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб, жамиятимизда банкларга бўлган ишончининг мустаҳкамланиб бораётганидан далolatдир. Чиндан ҳам, ана шу кўргазма давомида тижорат банклари томонидан замонавий банк технологиялари, хусусан, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, «Мобайл банкинг», интернет тармоғида ишчанлик муҳитини яратиш, «он-лайн» режимида ахборотлар олишда веб-дастурларнинг аҳамияти каби йўналишлар бўйича тақдимотларнинг ўтказилиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазманинг асосий ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўлгани ҳолда унга Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциациясини ҳамда Ахборот технологиялари ассоциациясини ҳамкорлик қилишди.

Ушбу кўргазмада мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, йирик суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари ўзларининг энг янги технологиялари ва хизматлари, шунингдек, молия муассасалари учун ахборот технологиялари ишланмаларига ихтисослашган компаниялар ўз махсулотларини намоиш этдилар.



«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «BankExpo» кўргазмаси доирасида шу йилнинг февраль-март ойларида эълон қилинган танловга бутун республикадан бизнес-лойиҳалар тақдим этилди. Жумладан, танловда сўз ва сўз махсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қадоклаш учун пластмасса тайёрлаш, тикувчилик ва тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқариш, миллий хўнарамандчилик, хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган 500 дан ортиқ лойиҳалар иштирок этди. Уларнинг орасидан 7 та номинация бўйича совриндорлар аниқланди.

Хусусан, «Энг яхши инновацион лойиҳа» номинацияси бўйича биринчи ўринга банкнинг Самарқанд минтақавий филиали мижози «Ургут Шарк» МЧЖдан лойиҳа ташаббускори Зубайдулло Ҳакимов лойиҳ, деб топилди.

«Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинациясида эса бош соврин банкнинг Фарғона минтақавий филиали мижози саналган «Пирамида Азия» МЧЖдан лойиҳа ташаббускори Хайрулло Аҳмедовга топширилди.

«Энг яхши ёш тадбиркор» номинациясида эса бош соврин банкнинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали мижози саналган «КАРУАНЛИ АЙБЕК» МЧЖ номидан лойиҳа ташаббускори Айбек Бекимбетовга топширилди.

«Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида эса бош соврин банкнинг Охангорон филиали мижози саналган Дилноза Исмадиярованинг лойиҳаси лойиҳ, деб топилди.

«Болаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун махсулот ишлаб чиқарувчи энг яхши лойиҳа» номинациясида эса бош соврин банкнинг Яқкабоғ филиали мижози саналган яқка тартибдаги тадбиркор Гулзаҳон Ризаеванинг лойиҳаси муносиб кўрилди. Юқоридаги номинациялар бўйича биринчи ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари «ЛЕД 32» маркали телевизорлар, иккинчи ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари замонавий ноутбук ва учинчи ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари замонавий планшетлар ҳамда кредит олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзли сертификатлар билан тақдирландилар.

Бундан ташқари, «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида амалга оширилган «Энг оригинал лойиҳа» танловига Хоразм минтақавий филиали мижози, яқка тартибдаги тадбиркор Сарвар Матмуратовнинг лойиҳаси муносиб, деб топилган бўлса, номинацияларда ишти-

Reklamo o'rnida

Банк Матбуот хизмати

Норвегия: компьютерда камроқ ўтиринг

Норвегиялик мутахассислар олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, компьютер қаршида кўп ўтирган болалар суякларининг минерал мустаҳкамлиги камроқ бўларкан.

Маълумки, суяклар ўсиши ўсмирлик даврининг охирига қадар давом этади. Бунда овқатланиш омилдан ташқари жисмоний фаолият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Олимлар Тромсода истиқомат қиладиган 15-18 ёшли 463 қиз бола ва 484 ўғил бола иштирокида тажриба ўтказиб шўғулланган аксарият ўсмирларда суяк мўртлиги учраши аниқланган. Тажриба жараёнида иштирокчиларнинг неча соат компьютер қаршида ўтиришлари ҳамда қанча вақт жисмоний фаол ҳаракатлар қилишлари қайд этиб борилган.



Шотландия: беморларга сунъий қон қуйилади


Бу шов-шувли тадқиқот бутун дунёга яшин тезлигида тарқалди. Дунё тарихида илк бор беморга одамнинг найча ҳужайраларидан яратилган сунъий қон қуйилади.

Эдинбург университетининг мазкур лойиҳаси раҳбари, Шотландия қон қуйиш миллий хизмати-нинг табиий директори профессор Марк Тернер гуруҳ билан шундай дейди: «Биз илк бор инсон танасига қўллаш мумкин бўлган сунъий қон яратдик. Авваллари буни орзу қилардик, холос».

Дарвоқе, 2016 йилга қадар давом этадиган тадқиқотлар натижасида сунъий қон санат миқёсида ишлаб чиқарилишига ўтиши мумкин, бу эса донорлик қонига мутлақо талаб қолдирмаслигига олиб келади.

Ҳозирча тажрибада доимий қон қуйиб турилишига эҳтиёжманд уч бемор иштирок этмоқда. Улар дастлаб тахминан 5 млдан қон олишади. Бу ҳужайралар танада табиий равишда фаолият юритиш-юртимаслигини аниқлаб беради.

Профессор Тернер ҳозирча донорлик тизими тўхтатилмаслиги лозимлигини таъкидларкан, кўпи билан йигирма йилдан кейин сунъий қон оддий қундалик дори-дармонга ўхшаб қолишини қайд этиб ўтган.



Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги

MEHR VA SEHR

MEHR VA SEHR

Таъбир жоиз тутилса, Муҳаммад Юсуф шеърятда м е х р а с о с и й и н с о н и й ф а з и л а т с и ф а т и д а б ў й к ў р с а т а д и. У н и н г н а з а р и д а б у д ў н ё д а ф а қ а т: Мехр қолур, муҳаббат қолур. Хўш, шоир шеърларида айнан кимга меҳрини ифода этган? "Севги садоси" шеърда, жумладан: Гулим, мехр кўзда дегани — ёлгон, — дейди.

Юсуф қирчиллама 47 ёшида оламдан ўтди. Муҳаммадхон, негадир, ўлим ҳақида кўп ёзган. "Тузалмайди дардим менинг..." шеърда ўқиймиз: Улим нима? Бу ҳам битта Сайр, Она. Ўзинг қаро ерга кетди, Хайр, Она... "Хавотир" шеъри-ку тамоман ўлимидан хавотир асосида дунёга келган. Унда лирик қаҳрамон ўлиб қолишдан кўрқиши, чунки қизлари йиғлашни ҳам билмаслиги, улар дардига кулоқ солмагани, қабрининг устида йиғласин деб қизлари кўзёшини асрай олмагани... ҳақида битди.

тор билан Шавкат Раҳмонни эслайдиди: Эртага мен борсам, койимасмисиз, Эртага мен борсам, орангиз бўшми? — дейди. "Кўкламоим" шеърда: Яна сенга етаманми-ўқим мен, — деган мисрани ўқиймиз.

УХУДУ

Муҳаммадхон табиатан синиқкўнгул, ғамгингина йигит эди. Бу унинг асарларига шундоққина кўчган. Шеърятининг самимийлиги ҳам шундан эди. "Янги йил кечаси" шеърда бир сатр бор: Сўрсанг, севинчимдан ўқинчим кўпроқ. Шоирни энг кўп ранжитадиган нарса ёлгон эди. "Шукур Бурхонни ҳам кузатиб кўйдик..." шеърдаги мана бу мисраларга диққат қилайлик: Бордик дўстлари ҳам, душманлари ҳам, Қабри устида ҳам сўйладик ёлгон: Саъбат фидолари, Мен сизга айтсам, Ундай Шукур Бурхон, Бундай Шукур Бурхон! "Сурат" шеърда илонни, ҳатто, айнан ёлгон гапирмагани учун: Илон қақар, Алмо Гапирмас ёлгон! — дея улуғлайди.

УХУДУ

Халқнинг: "Узумини егин-у, боғини суриштирма!" — деган ажибдан-ажиб мақоли бор. Кейин: "Мулланнинг айтганини қил-у, қилганини қилма!" — мақоли ҳам эл орасида жуда машҳур бўлиб кетган. Шунга ўхшаш, унда-бунда: "Шоирнинг шеърини ўқигин-у, шахсига кўп ҳам қизиқма!" — деган дарвазни ҳам эшитиб қоламиз. Нега? Чунки шоир асарларида ўз идеалларини акс эттиради. Идеал — идеалда. У ҳали реал воқелик дегани эмаску. Ҳеч бир қаламкашимиз кўнглига олиб, биздан ранжимасин-у, ишқ мавзусида кучоқ-кучоқ "қуйдим-пишдим" шеърлар битганларнинг севиги бобидаги садоқатига кўп ҳам ишониб бўлмайди. Бунинг сабабини ҳар ким ҳар хил шарҳлайди, албатта. Чунки сабаб — кўп. Муҳаммадхон бунинг бир нозик сабабини топган ва шеърларида очиқ-ошкор тан олган: шоир халқи бировини эмас, ўзини ўзи кўпроқ яхши кўради... "Севги бу..." шеърда: Ва сени севақдан олдин бир кунни Дилдан севиб қолдим ўзимни ўзим... — дея битди очиқчасига.



НАРЗДОРАХ

Муҳаммад Юсуф бир умр ўзини халқидан, Ватанидан қарздор ҳис этиб яшади. ...Қамина кўп хурмат қиладиган бир қаламкаш суҳбат асносида нима деди, денг? "Умр бўйи китоб титқиладик, кўзимизнинг нуруни тўқиб, китоб ёздик, биздан халқ — кўп қарздор", — деди. Кўнглимдан кечганини яширмайман: "Ҳатто, кимсан — Алишер Навоий ҳам бу гапни айтмаган бўлар эди". Муҳаммадхон камсуқум йигит эди. Давро, иддаси ҳамманикидан кам эди. Шеърларида қандай камтар бўлса, ҳаётда ҳам ўзини шундай тутар эди. Йўқ, аксинча, ҳаётда қандай камсуқум бўлса, унинг шеърларидаги лирик қаҳрамони ҳам шундай камтар эди. "Уни танийсиз" шеърини олиб кўрайлик. Унда лирик қаҳрамон: "Мен шоирман!" — деб кўксига уриб, ҳамма жойда, ҳаммага буни иддао қилиб юрадиганлардан бирини хафа қилиб қўйганини ёзади.

А-УМБЕА...

Айрим шоирларнинг тўпламини эринмай ўқиб чиқсан, ростга гап, битта шеър ёдда қолмайди. Шундайлар Муҳаммад Юсуфни ўқисин. Ундан ўрганса, арзийди. Унинг ҳар бир шеърда ё хис-туйғу, ё нуқтаи назар, ё фикр-хулоса, ё шакл, ё ғоя... — янги. Янги нарса кучли таъсир қиладди, узок эсда қолади. Эҳтимол, бу тахлилларимиз қайсидир бошловчи шоирга жуда асқотар. Чунки шеърга меҳр қўймай, сўз сеҳрини ўрганмай туриб яхши шоир бўлиш — қийин масала. Муҳаммад Юсуф шеърларидан меҳрини ҳам, сеҳрини ҳам ўрганса бўлади.

Султонмурод ОЛИМ, адабиётшунос

Биз ва тарих XIV асрга келиб миллий давлатчилигимиз ва қонунчилигимиз ривожига туб бурилиш даври бошланган. Буюк соҳибқирон Амир Темур қудратли марказлашган давлатга асос солди. Амир Темур томонидан яратилган "Темур тузуклари" эса давлат бошқарувида оламшумул тарихий аҳамиятга эга Асосий Қонун сифатида эътироф этилган.

Амир Темур — адолат элчиси



Амир Темур қонунчилиги тузуклар ва тўралар деб номланган. Тузуклар давлат тузилиши ва бошқаруви ҳамда жамият фаолиятини, ижтимоий-сиёсий муносабатларни, одил судлов ва назорат ишларини тартибга солган. Тўралар эса соҳалар бўйича қонунлар бўлиб ҳисобланган. Соҳибқирон салтанатининг қонунчиликка оид фаолиятини "Салтанатнинг ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зеб-зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим", деб баҳолаган. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг диққат эътиборида бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахс дахлсизлигини таъминлаш, жабру-зулмга қарши курашиш масаласи кеча ёки бугун пайдо бўлган масала эмас. Унинг пойдевори ҳали кўнгина давлатларда "ҳуқуқ" тушунчаси пайдо бўлмасдан олдин бизнинг минтақада, шу она замин тупроғида, давлатчилигимиз тарихида яратилган. Халоскор тариқасида нафақат Шарқда, балки Европада мамлакатларида ҳам тан олинган улуғ бобоқолонимиз, буюк соҳибқирон ва давлат арбоби, саркарда Амир Темур: "Оддий одамларга асосий жабру ситам ўтказадиган зулмкорлар ва зўравонлар билан мурасасиз бўлдим", деган. Қарангки, бундай мисоллар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи баъзи бир ўзини инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси никоҳида кўрсатаётган, аслида беғуноҳ инсонларни қираётган зўравонлар томонидан эмас, ҳар бир ишчи маърифат билан бошлаб маънавият билан тугатадиган бизнинг бобоқолонларимиз томонидан бошлаб берилганлигидан далолатдир.

Амир Темур фаолиятининг асосий мезони инсоннинг табиий ҳуқуқларини, яъни яшаш ҳуқуқи ва дахлсизлигини, кадрликни таъминлашга йўналтирилган. У давлат раҳбари сифатида ўз бошқарувида адолат тамойилларини устун қўйган. Соҳибқирон нафақат ўз ҳукмронлигидаги давлатда, балки ўзга давлатларда ҳам адолат ўрнатилишини талаб қилган. Халққа жабр-зулм ўтказувчи раҳбари бўлган давлатлар билан мурасасиз курашган, адолатпарвар шахсларни давлат тепасига чиқариш учун ҳаракат қилган. Улуғ бобоқолонимиз сиёсатининг бош ўзани адолат ва инсонпарварлик, деб баҳолагани бежиз эмас. У қонундастгир кўчаси ёқасидан уч қаватли турар жой биноси, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун 400.0 кв.мдан иборат бошланғич қиймати 282432 сўм бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов натижаларига кўра 5600 000 сўмга сотилди. Бу ҳақда Амир Темур

А.РАҲМОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисси аъзоси

Интиланганга толе ёр

Молия муассасаларида

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган турар жойларга қараб чин дилдан қувонасиз.

Халқимиз азалдан фарзандли бўлиши ҳамонқо яхши ният билан узокни кўзлаб, ерга тош ташлашга, уй қуришга одатланган. Ахир, барча шароит, имкониятга эга инсонларга бундан ортиқ нима керак? Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи йил сайин ортиши қурилиш материалларига бўлган талабни ошириши табиий. Мазкур соҳада фаолият юритаётган тадбиркор сифатида аниқ биламанки, материаллар ва буюмлар қурилиш-монтаж ишлари умумий қийматининг ярмидан кўпини ташкил қиладиган, бинобарин, қурилишнинг арзонлашуви, биринчи навбатда, унинг моддий-

ринчи навбатда, цементли бетон кенг тарқалган ва у универсал қурилиш материали ҳисобланади. Бетонни тайёрлашда муайян даражада айрим саноят чинқиндиларидан фойдаланиш мумкин. Корхонамизда гишт, цементли бетон, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Дастлаб корхонада 15 нафар ходим фаолият юритган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 35 тани ташкил этмоқда. Бунга қарийб саккиз йилдан буён асосий бизнес ҳамкорчилигида айланган улгурган "Давр-банк" ёпик хусусий акциядорлик-тижорат банкидан 2013 йилда олган 1 млрд. сўм миқдоридagi кредит ёрдамида эришдик. Шиддат билан ўзгараётган замонимизда маҳсулот ишлаб чиқарилаётган ҳар бир корхонада янгидан-янги турдаги технологиялар, инновацион қурилмалардан фойдаланиш давр талабига айланган. Шу боис корхонамизга тегишли цехлар, иморатларни реконструкция қилиш, зарур моддий-техника билан таъминлаш,

Ж.КАМалОВ, «ААТКО-ТРЕДИНГ» МЧЖ раҳбари



маҳсулотлар сифатини яхшилаш зарурати туғилди. "Давр-банк"дан олинган кредитни айнан шу мақсадга йўналтирдик. Натижада корхонамизда 20 та янги иш ўрни яратилди, ўртача бир йиллик айланма маблағларимиз миқдори 7 млрд. сўмга етди. Юртимизда ишлайман, ҳақиқатдан ҳам халқимизга нафим тегсин, деган инсонлар учун барча шарт-шароит етарли. Фурсатдан фойдаланиб, тадбиркорларга ҳар томонлама қулай муҳит яратиб бераётган Юртбошимизга, ҳукуматимизга, шу билан бирга корхонамиз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган, бизга мадад ва куч берган муассаса — "Давр-банк"га миннатдорчилик билдираман.

ДОНОЛАР АДОЛАТ ҲАҚИДА Саҳий бўлиш осон, қийини — адолатдан бўлиш. В.ЮГО, француз савуҳчиси

3-АВТОБУС САРОЙИ очиқ акциядорлик жамияти 'D' тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади. Ўртача ойлик иш ҳақи 'Мерселес-Бени' автобуси ҳайдовчилар учун 900-1 млн. 200 минг сўм. Ўртача ойлик иш ҳақи 'Исузу' автобуси ҳайдовчилар учун 600-900 минг сўм. Манзила: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги олмазор кўчаси, 57-уй.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета. Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши. Ташхир ҳаёти: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Мамозор ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талат МУРОДОВ, Тошпалат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ. Бош муҳаррир вазифини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ. Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аxbорот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144). Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлоқов. Навбатчи — Ғуллом ХИДИРОВ. «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона маънавий: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўлоқ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 400. Ааааа — 9669. Босишга тошириш вақти — 21.00. Босишга тоширишда — 01.00.